



## ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ МУАССАСАЛАРИНИНГ ТАШКИЛОТЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИГИ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Тиллаходжаев Баҳодир Абдуллаханович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси  
Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти кафедраси  
катта ўқитувчиси, подполковник

Абдуразоқова Гулзода Рустамовна

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси кундузги  
таълим, Жазони ижро этиш фаолияти ихтисослиги бўйича

таълим олаётган 3-ўқув курси 335-ўқув гуруҳи курсанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15553167>

### ARTICLE INFO

Received: 15<sup>th</sup> May 2025

Accepted: 19<sup>th</sup> May 2025

Published: 29<sup>th</sup> May 2025

### KEYWORDS

жазони ижро этиш тизими,  
ҳамкорлик, жамоатчилик  
назорати, терроризм, давлат  
органлари.

### ABSTRACT

Ушбу мақолада жазони ижро этиш муассасалари фаолиятида ташкилотлар билан ҳамкорлигини такомиллаштириш юзасидан фикр ва мулоҳазалар, бу борада амалга оширилаётган чора-тадбирлар, уларнинг ўзига хос хусусиятлари акс эттирилган.

Бизга маълумки, давлат ташкилотлари – бу давлат томонидан ташкил этилган халқ манфаатларига хизмат қилувчи, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминловчи, давлат томонидан молиялаштириладиган ёки ўзини ўзи молиялаштирадиган ташкилотларга айтилади.

Жазони ижро этиш муассасаси – суд ҳукмига биноан белгиланган жазоларни ижро этувчи муассасалар ва органлар. Жазоларнинг турларига қараб бу жазоларни ижро этувчи орган ва муассасалар бир-биридан фарқ қилади. Жазони ижро этиш муассасаларининг давлат органлари ва нодавлат-нотижорат органлари билан ҳамкорлиги деганда- жазони ижро этиш муассасаларининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари билан маҳкумларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш мақсадида ҳамкорлик қилишга рози бўлган келишуви ҳисобланади. Жазони ижро этиш муассасаларида ҳамкорлик турли хил йўналишларда амалга оширилиши мумкин. Ҳамкорликни таъминлаш мақсадида турли дастурлар тизимлар жорий этилиши ва татбиқ этилиши керак бўлади. Жумладан, жазони ижро этиш муассасаларида жазо муддатини ўтаётган маҳкумларни ахлоқан тузатиш, уларни қайтадан жиноятга қўл уришини олдини олиш, келгусида жазо муддатини ўтаб бўлгандан сўнг ўзининг мутахассислиги бўйича иш билан таъминланиши масалаларини инobatга олган ҳолда уларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб қилиш, қизиқишини уйғотиш муҳим аҳамият касб этади. Ушбу ҳамкорликларни йўлга қўйиш учун тегишли шартномалар имзоланади.

Ҳамкорлик тушунчаси - аслида ўзаро бир ёки бир нечта тарафларнинг аниқ мақсадли вазифаларини амалга ошириш учун келишув жараёнидир.

Жазони ижро этиш муассасалари ўз фаолиятини амалга оширишда бевосита давлат органлари ва нодавлат-нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорликни амалга оширади. Ушбу ҳамкорлик алоқаларини турли йўналишларда тизимли тарзда йўлга қўяди.

Биринчи йўналиш – жиноят-ижроия тизимини ривожлантириш, энг аввало, яхлит тизим сифатида шакллантириш лозим. Ушбу тизимни шакллантиришда давлат органлари билан ҳамкорлик алоқалари муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Ҳолбуки, ушбу тизимга адлия, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, суд идоралари ва бошқа давлат ташкилот ва тузилмалари ҳам киради;

Иккинчи йўналиш – озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо ижросини самарали ташкил этишда ижтимоий фойдали меҳнатнинг роли ва аҳамиятига катта эътибор қаратишни ташкил этади. Маҳкумлар ҳаётида ижтимоий фойдали меҳнатнинг родини оширишда биринчи навбатда, маҳкумларни ижтимоий фойдали меҳнатга нисбатан қизиқиш ҳиссини уйғотиш муҳим. Бунинг учун жазони ижро этиш муассасалари томонидан турли нодавлат-нотижорат ташкилотлари билан кенг ҳамкорлик алоқаларини амалга ошириш лозим бўлади;

Учинчи йўналиш – замонавий жазони ижро этиш муассасаларини қуриш орқали озодликдан маҳрум қилинган маҳкумларнинг сақлаш шароитларини яхшилаб боришдан иборатдир. Мамлакатимиздаги ёпиқ турдаги колонияларнинг деярли барчаси 40-70-йилларда қуриб топширилган ва ўша даврларда колонияларда ( айрим турдаги колонияларни инобатга олмаганда ) 1500-3000 тагача маҳкумлар сақланиши назарда тутилган ёки сақлаш имконияти бўлган. Бу эса озодликдан маҳрум этилган маҳкумлар билан ахлоқан тузатиш таъсир чораларини қўллаб боришда дифференциал тарзда ва яқка тартибдаги ёндашувни нафақат мураккаблаштиради, балки бизнинг назаримизда, буни амалда йўққа чиқаради;

Тўртинчи йўналиш – Жазони ижро этиш муассасалари устидан давлат ва жамоатчилик назоратини кучайтиришнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириб боришдан иборат. Демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлини танлаган Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини жамиятни ривожлантириш ва давлат қурилиши, ички ва ташқи сиёсатнинг энг устувор йўналиши этиб белгиланган. Демак, бу нарса бошқа соҳаларда бўлгани каби жазони ижро этиш муассасалари фаолияти устидан нафақат давлат органлари ва жамоатчилик назоратини кучайтиришнинг ҳуқуқий асосларини ҳам ишлаб чиқилишини ва такомиллаштирилишини тақозо этади.

Бешинчи йўналиш: Жазони ижро этиш муассасалари ҳуқуқни қўллаш фаолиятида қонунустуворлиги ва қонунийликни таъминлашни ташкил этиш. Яъни жазони ижро этиш муассасаларида ҳар қандай қонун бузулишларини, маҳкумлар ва жазони ижро этиш муассасалари ходимлари ҳуқуқларини ҳимоя қилади;

Олтинчи йўналиш: Жазони ижро этиш муассасалари ходимларига давлат органлари томонидан ишлаб чиқиладиган (қабул қилинадиган) норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини билиши ва шу асосида ҳаракатни амалга оширишлари ҳамда қонунчиликка мувофиқлиги устидан назоратни олиб боришлари лозим, шунингдек ушбу қонун ҳужжатлари асосида давлат органлари билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйишлари кераклигини назарда тутати.

Еттинчи йўналиш: Жазони ижро этиш тизимида жазони ижро этиш фаолиятида қонунийликни янада мустаҳкамлаш мақсадида давлат органлари ва ташкилотларининг норма ижодкорлиги фаолиятида иштирок этиш, қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифларни тайёрлаш масалаларида уларнинг таркибий тузилмалари ишини мувофиқлаштириш ҳамда давлат органлари ва бошқа

шу каби тузилмаларнинг ижодкорлик фаолиятдан самарали фойдаланган ҳолда давлат тузилмалари билан доимий равишда ҳамкорлик алоқаларини мустақамлаш учун тегишли нормаларни қабул қилиш ва бошқа йўналишлар асосида амалга оширилади.

Самарали ҳамкорликнинг энг муҳим ва зарурий белгилари: таъсир объектининг бирлиги, мақсад бирлиги ва вазифаларнинг умумийлиги, ҳамкорликнинг ҳуқуқий тартибга солинганлиги, ҳамкорлик чоғида ваколатларнинг тақсимланиши, мақсадга эришишдан ўзаро манфаатдорлик, ҳамкорликка бўлган амалий эҳтиёж, ҳаракатларнинг келишилганлиги ва биргаликда бажарилиши, куч ва воситаларни танлашда субъектларнинг мустақиллиги, ҳамкорликда ўзаро ёрдам ва кўмак берилиши, ҳамкорликнинг бориши ва натижалари ҳақида томонларнинг бир-бирини хабардор қилиши, ўрнатилган қоидалар ва ҳамкорлик натижалари учун биргаликда жавобгар бўлишидир. Пенитенсиар муассасаларнинг ички ишлар органларининг соҳавий хизматлари ҳамда бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлиги қуйидагича амалга оширилади: Жиноят қидирув хизматлари билан ҳамкорликни қуйидаги йўналишларда амалга оширади:

1) шахсга қарши ва мулкӣ жиноятлар, уюшган жиноятчилик ва одам савдоси, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланиши, уларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш;

2) суриштирув органлари, суд ва терговдан яширинган шахсларни, бедарак йўқолганларни қидириш ҳамда шахси номаълум мурдаларни аниқлаш;

3) ҳудудда содир этилган жиноятларни «иссиқ изи»дан, тез ва сифатли очиш, ўтган йилларда содир этилиб, очилмай қолган жиноятларни фош этиш, шунингдек бошқа нохуш ҳодиса ва ҳолатларнинг сабаблари ва келиб чиқишига имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш.

Жазони ижро этиш муассаса ходимлари Терроризм ва экстремизмга қарши курашиш хизматлари билан қуйидаги йўналишларда ҳамкорликни амалга оширади:

биринчидан, терроризм ва диний экстремизмнинг олдини олиш, уларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш;

иккинчидан, терроризм ва диний экстремизм билан боғлиқ жиноятларни содир этиб суриштирув органлари, суд ва терговдан яшириниб юрган шахсларни аниқлаш;

учинчидан, муассаса ҳудудида содир этилмоқчи бўлган бу турдаги жиноятларнинг режаларини «иссиқ изи»дан, тез ва сифатли очиш;

тўртинчидан, жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилганлар ва диний экстремистик оқим аъзолари билан тегишли тезкор-профилактик ишларни олиб бориш;

бешинчидан, вояга етмаганлар ва ёшларни терроризм ва экстремизм ғояларидан ҳимоя қилиш, бу борада муассасада ҳуқуқий тарғибот олиб боришда ўз аксини топади.

Ушбу мақоладан хулосам шуки, ҳар бир фаолият жараёнида ҳамкорлик ишлари олиб борилади.

**Фойдаланган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси // УРЛ: [ҳттпс://lex.uz/doss/6445145](http://lex.uz/doss/6445145) (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 04.12.2024).
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // УРЛ: [ҳттпс://lex.uz/doss/111453](http://lex.uz/doss/111453) (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 04.12.2024).
3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси // УРЛ: [ҳттпс://lex.uz/doss/111460](http://lex.uz/doss/111460) (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 04.12.2024).
4. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси [ҳттпс://www.lex.uz/ru/doss/-7086391](http://www.lex.uz/ru/doss/-7086391) (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 04.12.2024).
5. Пулатов. Ю.С, Иноғамов Ш. Дифференциялаш // Қонун ҳимоясида.- 2002.-№ 6.-Б. 30-32.
6. Юлдашев М.Ш, Самандаров Д.И. Озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо ижросини ташкил этишда инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва такомиллаштириш // Нукус, 2008.-Б. 287-290.
7. Қодиров Қ.Б. Ўзбекистонда пенитенсиар муассасалар фаолияти тарихи. Монография. Тошкент. Ички ишлар вазирлиги Академияси. 2023. Б. 101.
8. Bobur, Mustofaqulov, Asror o'g'li, Niyatullo Jahongir o'g'li Ahmadqulov. "MUHIM SIYO SATDAN KASALLIK INSPEKTORLARINI OLDINI OLISH". Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies 2.2 (2024): 58-62..
9. ugli G'ofurov, A. A., & o'g'li Mustofaqulov, B. A. (2024 yil, dekabr). HUQUQCHIYLIK profilaktikasi XIZMATINDA KADRLARNI TA'LIM OLIHNING SAMARALI TIZIMINI TAKMONLASH. XALQARO ILMIY KONFERENSIYADA "ILMIY ILIMLAR VA INNOVATSION YUNDASHISHLARI" (1-jild, 2-son, 16-22-betlar).
10. Bobur, Mustofaqulov, Asror O'g'li va Asadbek Abror O'g'li Abduxalilov. "MUHIM HODISA BO'LGAN HOLDA KASALLIKNING MUHIMLIGINI TEKSHIRISHNI profilaktikasi". Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies 2.1-2 (2024): 130-136
11. Mustofaqulov B. A. O'. va boshqalar. PROFEKTIKA INSPEKTORLARI TOMONIDAN FUKAROLARNING OZINI OZI BOSHQARISH ORGANLARIDA HISOBOT BERISH FAOLIYATINI TAKOMILLASTIRISH // Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2025. – V. 2. – No 4. – B. 133-139.